

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

“КИМЁ” ФАКУЛЬТЕТИ

“ХАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ” КАФЕДРАСИ

РЕФЕРАТ

МАВЗУ: ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР

БАЖАРДИЛАР:

**А.У.Мамадалиев
Н.Нурдуллаев,
Г.Исмаилжонова**

ИЛМИЙ РАҲБАР:

доц. И.Х.Домуладжанов

ФАРҒОНА – 2014

Мундарижа

Кириш	3
1. Булим. 2013 йил экологик технологияларига назар.....	3
2. Булим. Радиотўлқинларда «ОЗОН» қатлами.....	5
3. Булим. Ўзбекистон Республикасида муҳофаза этиладиган табиий худудлар.....	8
4. Булим. Қайта ишлаш самараси ортмоқда.....	9
5. Булим. Ернинг кушандалари рейтинги аниқланди.....	10
6. Булим. Ўзбекистонда иқлим ўзгаришига муносабат.....	11
Хулоса	12
Адабиетлар руйхати.....	12

Кириш

Хозир ХХІ аср бўсағасида фан-тараққийети жадал суроаталар билан ривожланиб бормокда. Дуёнинг жуғрофий-сиёсий тузилиши ўзгармокда. Бундай шароитда инсон томонидан биосферага кўрсатилаётган таосирни тартибга солиштирмай тараққийёт билан қулай табиат мухитимиз сақлаб қолишнинг ўзаро таосирини ўйғонлаштириш инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатларида муфазанатга эришиш муаммолари борган сари долзарб бўлиб бормокда.

Халқаро ҳамжамият инсоннинг нафақат яшаш ҳуқуқи, балки тўлақонлик ва соғлом турмиш кечириш учун зарур муотадил арзон (атров) муҳит шароитларига ҳам бўлган ҳуқуқларнинг муқаддас ва дахилсизлигини аллақачон эотироф этилган. Экологик хавсизлик кишилиқ жамиятининг бугуни ва эртаси учун долзарблиги жуда зарурлиги энг муҳим муамилалар жумласига киради. Бу омиллар амалий тарзда хал этилса, кўп жихадан хозирги турмушнинг аҳоли ва сифатини белгилаш имкониятини беради. Иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш билан боғлиқ тармоқларни экологик жихатда зарарсизлигини технология ерадагида ривожлантиришни таоминлаш имконига эга бўлади. Маълумки, табиатнинг ҳолати бирданига ва дарҳол ёмонлашиб қолмайди. Бу жараён узоқ вақт давом этади. Босқача айтганда экологик жамият аста секин ёмонлашиб боради. Экология хозирги замоннинг кенг миқёсдаги кескин ижтимоий муаммоларидан биридир. Уни хал этиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, Цивилизациянинг хозирги куни ва келажаги кўп жихатдан боғлиқдир ана шу муаммонинг хал қилинишига боғлиқдир. Тараққийётнинг хозирги босқичда инсон билан табиатни ўзаро таъсирига оид бир қатор муаммоларни хал этиш фақат бир мамлакат доирасида чекланиб қолмайди. Уларин бутун сайёрамиз кўламида хал этиш зарур. Кўриниб турибдики табиий муҳитни инсон юритадиган хўжалиқ фаолиятининг зарарли таосиридан химоя қилиш боғлиқ бўлган кўпгина муаммолар кенг кўлам касб этади шу сабабли улар фақат халқаро ҳамкорлик асосида хал қилиниши лозим. Экология муаммоси ер юзининг ҳамма бурчакларда ҳам долзарб. Буларни ечиш янги технологияларга қаратилаган.

1. 2013 йил экологик технологияларига назар

Электрокаралардан тортиб самалёт ва қуёш батареяларидаги улкан трубиналаргача 2013 йилда яратилган экологик технологиялар соҳада улкан ривожланиш бўлганини кўрсатади. Сентябрьда Англиянинг Кент графлигидаги Танет шаҳарчасида жаҳондаги энг улкан соҳил шамол электростенцияси ишга туширилди. Станциянинг шимолий ғарбдан жанубий шарққа ёйилган 8та турбина тизими Форнес Пойнт, Маргетдан пича

узоқликда жойлашган 35 кв.км.лик майдонни эгаллайди. У 200 000 хонадонни таъминлашга қодир 300 мегаватт (МВт) электр қувватини ишлаб чиқара олади. Станцияда ҳар бири 115 метр узунликдаги, винтининг варраклари 44 метрни ташкил этадиган 100та трубина мавжуд.

2013 йилда киритилган нарх-наволар туфайли Британия аҳолиси фойда кўра бошлади. Экологик мусавффо услуб билан электр қуввати ишлаб чиқарадиган (куёш батареялари панели ва унча катта бўлмаган шамол генераторлари) тизимидан фойдаланувчи уй эгалари ҳукумат амалга оширган янги лойиҳа туфайли ўзлари ишлаб чиқарган электр қуввати учун йилига 1,000J миқдорида пул оляптилар.

Муҳандислар дунёдаги энг йирик соҳил шамол генераторини яратиш устида мусобақалашмоқдалар. Британиянинг Agur компанияси маҳсулоти бўлган 10 МВт қувватга эга янги ва улкан соҳил шамол генератори – Аэрогенератор Х бу йўлда инқилобий қадам бўлди.

Куёш қуввати ҳисобига парвоз қиладиган Solar Impulse экспериментал самолёти 24 соатлик синов парвозини амалга оширди. Қўлга киритилган натижа якуний мақсад – Ер куррасини айланиб фақат куёш қуввати ҳисобига парвоз этишга яна бир қадам бўлди.

Фақат куёш қувватидан таъминладиган Typhoon кемаси келажакда бу йўналишда ҳам куёш қувватидан кенг фойдаланишга умид бағишлади. Унинг ижодкорлари дунёдаги энг катта катамараннинг уммон бўйлаб илк сафари инсоният фақат куёш қувватидан фойдаланиб кун кўриши мумкинлигини кўрсата олишига умид қилмоқдалар.

Европа муқобил энергия манбаларидан фойдаланиб ўтаюқори қувватли электрузатиш магистраллари тизимини яратиш учун бирлашмоқда. У кўплаб куёш батареялар панели жойлашган, Шотландия қирғоқларининг шимолидаги Германия ҳудуди томонидан шамол билан ҳаракатладиган турбиналарни бирлаштиради, шунингдек, Бельгия ва Дания қирғоқларига уриладиган тўлқинлар қуввати ва Норвегия фьордларидаги ГЭСларда ишлаб чиқилладиган қувват билан бирлашади. Биринчи Европа муқобил энергия манбаларидан фойдаланиб ўтаюқори қувватли электрузатиш магистраллари тизими январда 9та мамлакат Шимолий денгизда энергетик лойиҳаларни бирлаштириш дастурини расман тасдиқлаганларида сиёсий ҳақиқатга айланди.

“Бемаъни ноумидларни лол қолдириб” ноябрь ойидан биринчи инглиз экологик суперкари (автомобиль) йўлга чиқди.

Strata ‘Razor’ tower осмонўпар бино: илғор эко-конструкция. Элефант ва Касл (“Фил ва қаср”) дея номланган осмонўпар бино Лондон туманида жойлашган. Бино томида жойлашган учта шамол турбиналари бино муҳтож бўлган энергиянинг тахминан 10 фоизини ишлаб чиқаради.

Декабрда Лондонда водороддан ҳаракатладиган илк инглиз автобусини чиқаришди. У оммавий сайёҳлар қатнови ҳудудида ишлатилади.

Корнуол қирғоғида сентябрь ойида Wave Hub –“Тўлқинлар доираси” билан янги денгиз қурилмаси муваффақиятли ўрнатилди.

Хитой қуёш батареяларидан то юкоритехнологик ёритгичлар соҳасидаги рақобатда йўлбошчилик қилмоқда. Мамлакат Clean Edge номли йиллик илмий компаниянинг йиллик ҳисоботида мутассил юқори поғоналарга кўтарилиб бормоқда.

Қаттиқоксидли ёқилғи моддаларда ишлайдиган Bloom box генераторининг ишга туширилиши компания ҳаракатининг бир парчасидир. Ҳар қандай компания ҳам тақдимотга Арнольд Шварценеггер (Arnold Schwarzenegger), Колин Пауэл (Colin Powell) ҳамда Google ва Walmart компанияларининг бошлиқлари иштирок этиши билан фахрлана олмайди. Бундан ташқари компаниянинг ёқимли экологик мусаффо энергия қурилмаси сифатида қараш қараш мумкин бўлган маҳсулот ишлаб чиқариши қутилмаган ҳол бўлди. Бу Bloom Energy компаниясининг энергетик серверни яратиши билан боғлиқшов-шувлар эди.

Декабрь ойида АҚШда General Motors компанияси электр қуввати билан ҳаракатланадиган янги Chevrolet Volt автомобиль-гибридни ишлаб чиқарди.

Августда Шотландиянинг Инвергордон шаҳрида сув юзасида турадиган жаҳондаги энг йирик турбинанинг тақдироти бўлиб ўтди. АК1000 маркали қурилма Atlantis Resources корпорацияси томонидан яратилган бўлиб, ишлаб чиқарган қувват 1000та хонадонни таъминлайди, қурилма оғир ва шавқатсиз, очик денгиз шароитига, масалан, Шотландия қирғоқолди ҳудудига мослаб барпо этилган.

2.Радиотўлқинларда «ОЗОН» қатлами

Биз озон қатлами ва унинг химоя хусусиятлари ҳақида нималарни биламиз? Стратосфера ва тропосфера озонлари орасида қандай фарқ бор? Ультрабинафша нурланишнинг қандай хавфи бор? Шу каби ва бошқа кўплаб саволларга Тошкент студиясининг 87,9 радиотўлқинини тутсангиз жавоб олишингиз мумкин.

Озон офиси, Ўзбекистон Экологик портали ва Тошкент радиоканали 2013 йилнинг бошидан ҳар ҳафтада жонли эфирда экологик янгиликлар блоки билан чиқиб ҳамкорликни бошлаган.

Ахборот-билим сюжетлари, воқеалар жойидан репортажлар, Сайёра Озон қатламини асраш мавзуидаги эълон ва анонслар энди нафақат “Озон қатламини асраймиз” бюллетени ўқувчилари учун, балки www.econews.uz сайтга ташриф буюрувчилар ва радиотингловчилар учун ҳам очикдир. Радиоэшиттиришлар мазмуни қизиқарли факт ва воқеаларга қурилган, биз мавжуд кўринишларни, илмий кузатишларни ҳамма тингловчиларга тушунарли ва содда тилди ифода қиламиз. Эшиттиришлар динамикаси зериктирмайди, бинобарин, биз эфирда бор-йўғи 10 минут бўламиз. Ахборотлар кўлами эса кенгдир.

Нима учун биз узоқ озон қатлами, унинг муаммолари ҳақида билишимиз лозим? Агар соғлимиз ёмонлашуви билан ўзаро алоқадор

кўпгина муаммолар нималардан иборат эканлиги ҳақида ўйлаб кўрсак, атроф-муҳит экологик аҳволи билан боғлиқликни кузатиш мумкин.

Маълумки, амалдаги ҳамма бугунги экологик биздаги мавжуд муаммолар инсон иштироки, бевосита унинг хўжалик юритиш фаолияти натижасида юзага келди. Шундай қилиб инсон ўзига муаммо туғдириб, оқибатда азобини тортади, зарар кўради, йўқотишларни бошидан кечиради. Омилик жавобгарлик ҳиссидан озод этмайди.

Атмосферага тарқаётган буғхона газлари каби кимёвий моддалар, хлорфторуглеродлар (ХФУ) ҳам туфайли музликлардаги музлар хавф остида қолмоқда. Уларнинг бари биргаликда бизнинг атмосфера ва стратосферага жиддий муаммолар келтириб чиқармоқда. CO₂ ва метан каби буғхона газларнинг юқори концентрацияси туфайли курраи заминда ҳаво ҳарорати кўтарилмоқда. Бу газларни саноат корхоналари, бизга электр қуввати етказиб берадиган энергетик ускуналар, автомашина, самалёт ва сув тортадиган насослар тарқатмоқда. Кутб ҳудудларида глобал илиқлик таъсирида музликларнинг эриши туфайли яққолроқ намоён бўлмоқда. CO₂ карбонат ангидридга оид газ сифатида маълумдир. У табиий кўринишда атмосферамизда топилган, шунингдек ҳамма тирик жонзотлар томонидан чиқарилади. Барча муаммолар бу газ замонавий жамият томонидан катта миқдорда чиқарилган пайтда юзага келади. ХФУ шундай модда-ки, қуёшдан келаётган хавфли ультрабинафша нурларига филтр бўлиб хизмат қилаётган озон қатламини емиради ва ҳатто унда тешиклар ҳосил қилади. Арктика ва Антарктида осмонида озон тешиклари катта ҳажмни ташкил этади.

Стратосферадаги озон қатлами 10дан 50 км баландликда фазодан келаётган ультрабинафша нурларига тўсиқ бўлади. Ультрабинафша нури (УН) ўзининг физик тузилишига кўра учта қуйидаги спектрал диапазонга бўлинади: УФ-С (100-280 нм узунликдаги нурланиш тўлқини), УФ-В (280-315 нм у.н.т), УФ-Ф (315-400 нм у.н.т.). УФ-С бактерицид таъсирли анчайин хавфли нурланиш бўлиб, микроб хужайралар ва вирусларга қирон келтиради. У атмосферанинг юқори қатламида кислород ва озон қатлами билан ютилади, ер юзасига етиб келмайди. УФ-В нурланиш ҳам озон қатлами томонидан ютилади ва фақат тахминан 6 фоизи Ер юзасига тушади, лекин айнан шунинг ўзи атроф-муҳит ва инсон саломатлигига салбий таъсир ўтказади. Ниҳоят, УФ-А нурланиши атмосфера томонидан кам қаршиликка учрайди, лекин у яратадиган биологик таъсир УФ-В нурланишдан 1000 мартага кучсизроқдир.

Ўзбекистонда озон қатламининг умумий ҳолати 1994 йилдан бошлаб метеостанцияларда мунтазам кузатиб келинади. Озон қатлами Гущина яратган М-124 озонметр асбоби орқали куннинг ёруғ вақтида 7 марта ўлчанади. Ишлаб чиқарилган маълумотлар Бош Геофизик обсерваториянинг атмосферани масофадан кузатадиган Илмий текшириш марказига юборилади. Узоқ йиллик кузатишлар Тошкент осмонида озон қатламининг антропоген емирилишини кўрсатмаётир.

3.Ўзбекистон Республикасида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар.

Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилиш соҳасида қонунлари, шу жумладан “Биологик хилма-хиллик тўғрисида”ги, “Қўчиб юривчи ёввойи ҳайвонлар турларини муҳофаза қилиш тўғрисида” ги, “Халқаро аҳамиятга эга сув-ботқоқ ерлар тўғрисида”ги, “Бутунжаҳон меросни тўғрисида”ги ва яна бир қатор конвенциялар бўйича унинг халқаро мажбуриятларини амалга ошириш ҳисобланади. Булар Ўзбекистон Республикасининг “Муҳофаза этилдиган табиий ҳудудлар тўғрисида”, “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”, “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида” ва бошқалар.

2004 йил декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги янги қонун қабул қилинди.

“Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги (03.12.2004) Қонунга биноан Ўзбекистон Республикасида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга қуйдагилар киради:

1. давлат қўриқхоналар;
2. комплекс (ландшафтли) заказникалар;
3. табиий боғлар;
4. табиат ёдгорликлари;
5. алоҳида табиат объектлари ва комплексларини муҳофаза қилиш, қайта ишлаб чиқариш ва тиклаш учун ҳудудлар;
6. муҳофаза этиладиган ландшафтлар;
7. алоҳида табиий ресурсларини бошқариш учун ҳудудлар.

“Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги қонунга биноан муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, муҳофаза қилиш ва фойдаланиш соҳасида давлат бошқарувни ҳукумат, жойларда давлат ҳокимияти органлари ҳамда махсус тайинланган давлат органлари амалга оширадилар.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ва фойдаланиш соҳасида давлат назорати Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ва жойларда давлат ҳокимият органлари томонидан амалга оширилади. Янги қонун қабул қилиниши билан уни янгилаш ва такомиллаштириш режалаштирилган. Республикада муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар яхлит бир тизимдан иборат бўлади, у охири-оқибатда биохилма-хилликни узоқ вақт сақлаб қолишни таъминловчи узлуксиз экологик турга айланади.

“Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги қонун қабул қилингандан сўнг кўп сонли объектларга – ўрмон хўжалик корхоналари ва овчилик хўжаликларига муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар мақоми берилади.

Биосферик давлат резервати тушунчасини киритиш алоҳида аҳамиятга эга. Уларни ташкил этиш тартиб ва режими бизнинг қонунчилигимизда биринчи бор кўзда тутилади ва биосферик резерватлар бўйича ЮНЕСКО хужжатлари талабларига мос келади.

Хозирги кунда Республикамизда 9 қўриқхона ва 2 миллий боғ мавжуд. “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига биноан қўриқхоналар, миллий боғлар билан бирга заказникалар ҳам мана шундай ҳудудларга киради. Бугунги кунда Республикамизда 10 заказник мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси тассаруфида Ҳисор қўриқхонаси фаолият юритмоқда. Қўриқхона 1983 йилда, икки мустақил Мироки ва Қизилсув тоғ қўриқхоналарни бирлаштириш натижасида ташкил қилинган. Ҳисор қўриқхонасининг умумий майдони 80986 гектарни ташкил этади. У Ҳисор тизмаси шимоли-ғарбий тармоқлари табиий комплексларининг типик участкаларини асл ҳолида сақлаб қолиш, улардаги табиий жараёнларнинг борлигини ўрганиш ва табиатни муҳофаза қилишнинг илмий асосларини амалиётга татбиқ этиш мақсадида ташкил этилган. Ҳисор давлат қўриқхонасининг ер майдони 4 та бўлимга ажратилган:

Ғилон бўлими – 18838 га

Мираки бўлими – 11821 га

Танҳоздарё бўлими – 20233 га

Қизилсув бўлими - 30094 га

Қўриқхонада ўрмонларининг аксарияти арчадан иборат. Умуман олганда қўриқхона ҳудудидаги ўсимликлар Марказий Осиё тоғларига хос бўлиб, таркиби бўйича турли-тумандир. Ҳисор қўриқхонаси ҳудудида ўсимликларнинг 870 дан ортиқ тури ўрганилган ва айримлари эндемик ҳисобланади. Қўриқхона ҳудудида Туберген лоласи, улуг лола, Бобров астрағали, Ўзбекистон чиннигули, етмак, анзур пиёзи, Зарафшон арчаси ва бошқалар бор. Ўсимликларнинг 38 тури Ўзбекистон “Қизил китобига” киритилган. Ҳисор қўриқхонасининг ҳайвонот олами ҳам хилма-хилдир. Қўриқхонада 2 тур балиқ, 19 тур судралиб юрувчи ва амфибиялар, 103 тур қушлар, 28 тур сутэмизувчилар мавжуд. Қушлардан бургут, болтаютар, митти бургут, кумай, итолғи; сутэмизувчилардан қор қоплони, Туркистон силовсини, қўнғир айиқ ва Марказий Осиё қундузи “Қизил китобга” киритилган. Қўштуруёқликлардан тўнғиз ва Сибирь тоғ эчкиси кенг тарқалган. Каклик деярли ҳар қадамда учрайди. Кемирувчилардан қизил суғур ва бошқалар ўтзорлардан бошпана топишган ва уларнинг асосий “душмани” - бўри ва тулки ҳам мавжуд. Қизилсув бўлимидаги денгиз сатҳидан 4000 м дан юқори бўлган “Осмон-талаш” чўққиси энг баланд нуқта ҳисобланади. Ёдгорликлардан Тулқитўғай ота, Хўжагул ота зиёратгоҳлари, Амир Темур

ғори (узунлиги 670 метр), динозаврлар изи, Бумни қапчиғай, ўғрини зиндони, Хўкизбурун, Сувтушар ва Хўжакулбарс шаршалари мавжуд. Ҳисор қўриқхонаси ЮНЕСКО Умумжаҳон табиий ва маданий мерос рўйхатига киритиш учун тақдим этилган.

Қўриқхона ўзига хос илмий-тадқиқот муассаси бўлиб, унинг ходимлари қўриқхона ҳудудида браконьерлик ва табиатга нисбатан бошқа қонунга ҳилоф ишлар бажарилишининг олдини олиш йўлида тинмай меҳнат қилишмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси тасарруфидаги “Жайрон” Экомаркази 1977 йилда ташкил этилган. У Бухоро шаҳридан жанубий-шарқ томон 40 кмга чўзилиб жойлашган. Майдони 7135 га бўлиб, улардан 5145 га тўр билан чегараланган. Экомарказнинг асосий мақсади насли ва тури йўқолиш арафасида турган, Табиатни Сақлаш Халқаро Иттифоқи (ТСХИ) Қизил Китобига киритилган жайрон, бухоро қўйи, бурама шоҳли эчки, мархур ва бизнинг ҳудудларда мутлақо учрамайдиган Прежвальский отлар, қулонларини сақлаш, парваришlash ва қўпайтириш, ҳамда уларнинг биологиясини ўрганишдан иборат.

Экомарказнинг илмий маълумотларига кўра, бу ердаги чегараланган ҳудудда 28 ўсимлик ойласига мансуб 200 дан зиёд ўсимлик турлари ўсади. Йил давомида марказ ҳудудида 257 турдаги қушларни учратиш мумкин. Бу эса Ўзбекистон орнитофаунасининг 37 % ташкил этади. Бу ҳудудда судралувчиларнинг 21 тури, бундан ташқари 33 турдаги сут эмизувчи, 2 турдаги амфибия ва 15 турдаги балиқлар яшайди.

2012 йил 3 октябрь куни бўлган ҳисоблар натижаларига кўра Экомарказ ҳудудида жайронларнинг сони 902 (вольердагилар билан), Прежвальский оти – 21, қуланларнинг сони – 67 етган. Шунингдек, ҳозирги кунда экомарказда қўпайтириляётган бухоро қўйининг сони 10 етди. Бундан ташқари 1 мархур яшамоқда. Мархур қўйларини сонини ошириш мақсадида ўтган йили Термез ҳайвонот боғи билан шартнома тузилиб, 1 мархур вақтинчалик сақланишга Экомарказга келтирилган.

Экомарказ келажаги унинг ҳудудини кенгайтиришга боғлиқ. 01.01.2009 й. ҳолатига унинг майдони 7135 га ташкил этган. Лекин, 2009 йил феврал ойида “Жайрон” Экомаркази ҳудудига 9369 га ер қўшилган.

Энг муҳими «Жайрон» Экомарказда келажак авлод учун бутунлай йўқ бўлиб кетиш хавфига учраган ҳайвонларнинг ноёб турларини сақлаб қолишга мувоффиқ бўлди ва Марказий Осиёда ноёб ҳайвонларни қирилиб кетишдан қутқариш марказига айланди.

4.Қайта ишлаш самараси ортмоқда.

Инсон эҳтиёжлари юксалиб, ресурслар ўз вазифасини ортиғи билан бажараётган ва табиий заҳиралар туби кўринаётган тезкор даврда инсоният қўшимча ресурслардан фойдаланиши кераклиги ва уларни тежаши лозимлиги ҳақидаги ҳақиқат қарор топиб бораётир. Турли чиқиндиларни қайта ишлаш, уларни саноатда қўллаш намунали йўлга қўйилмоқда. Пойтахтимизнинг Зангиота туманидаги “Милк-Агро” МЧЖининг ўз

эхтиёжлари учун бутунлай зарарсиз биогаздан фойдаланиши табиат билан ҳамкорликнинг яна бир кўриниши десак бўлади. Умумий майдони 240 гектар бўлган ташкилот хўжалигида 600 бош қорамол, 175 нафар сигир, ўндан ортиқ от, қўйлар бўлиб, улар ташкилот хом ашё базасини ташкил этади. Мазкур фермер хўжалиги БМТнинг UNDP ташкилоти билан ҳамкорликда уч йил муқаддам тендер асосида биогаз ишлаб чиқариш ускунасини сотиб олди. Ускуна ҳақида биогаз қурилмаси билан ишлаш бўйича муҳандис Рамазон Ўктамов бизга шундай маълумот берди:

— Мол чиқиндиси очик ҳавода бир ҳафта сақланиб, сўнгра уни 2,5-3 тонна сиғимга эга маҳаллий ўғитни бижғитувчи ускунада пастдан юқори босимли ҳаво юбориш ёрдамида қориштирилади, сўнгра махсус ускуна орқали газни ажратиб, уни алоҳида идишга, яъни тайёр ҳолдаги газ омбори вазифасини ўтайдиган цистернага юборамиз ва ундан ўз эҳтиёжларимиз йўлида фойдаланамиз. Ускуна молларнинг чиқиндисидан кунига 300 кубдан 500 кубгача газ ажратиб олиниб, бу фермер хўжалигида электр энергияси, газ ресурсларини тежаш имкониятини бермоқда. Шунингдек, ўз эҳтиёжларимиздан ортган газ билан юзга яқин маҳаллий аҳоли хонадонларини ҳам таъминлаш имкониятига эгамиз. Бу билан мол чиқиндилари атроф-муҳитга метан газини чиқариб, ифлосланишининг олди олинади.

“Милк-Агро” МЧЖининг яна бир истикболли режаларидан бири, бу мазкур йилнинг 15 июнига қадар Корейдан мазкур қурилмага бириктирилувчи янги ускуна олиб келиниши эди. Бу режа амалга оширилди. Инсон тафаккури ўсиб, табиатни сақлаш йўлида бундан-да улкан ишларни бажариши ҳаётимиз узвийлигини ҳамда ўз ўрнида бўлишини таъминлайди. Ҳозирги кунга келиб дунё аҳолиси сони 6 миллиарддан ортиқлигини инобатга олсак, табиатга зарарли таъсир омилларидан сайёра аҳолиси сонининг ортиб бораётганида кўринади. Бу эса энергия ишлаб чиқариш ва атмосфера муаммоларини энг долзарб масалага олиб чиқди. Бунинг оқибатида эса атмосферанинг ифлосланиши, иссиқхона самарадорлигини вужудга келиши, ўрмонларнинг кесилиши каби ва бошқа кўп зарарли ҳодисаларни юзага келтирмоқда. Ҳаётимиз орқага қараб кетиши ёки олдинга силжишини танлаш эса ўз қўлимизда. Табиатга зарарни камайтириб, уни тикланишига ёрдамлашишимиз бизга, яъни инсониятга янги имкониятлар калитини тўхфа қилиши исбот талаб қилмас ҳақиқат!

5.Ернинг кушандалари рейтингни аниқланди

www.drugasmuga.com. сайтининг хабар беришича, автосаноат озон қатламининг асосий кушандаси эмас экан. BMW концернининг таъкидлашича, сигирлар, чўчқалар ва бошқа қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари кўпроқ атмосферага зарар келтирар экан. Зараркунандалар тўлиқ рейтингини тарқатган халқаро ташкилотлар баварияликларнинг аллақачон меъдаларига теккан, шу боис улар дунё ҳамжамиятига тўлиқ маназара тафсилотларини тақдим этишди. Биринчи ўринни иситиш электр станциялари, иккинчи ўринда саноат корхоналари, учинчи ўрин қишлоқ хўжалиги эканлиги

аниқланди. Биринчидан, ўрмон ёнғинлари нисбатан ривожланмаган мамлакатларда оловга ўтиб, қишлоқ хўжалиги экинлари экиладиган майдонларни ишдан чиқаради. Иккинчидан, фермаларда боқилаётган шохли ва думли ҳайвонларнинг ҳавони булғаб, турли емишлар кони бўлган ичакларидан нотоза ҳаво чиқаришидир. Автомобиллар атиги бешинчи ўринда туришади. Рўйхатда ахлат ташиш машиналари ҳам бор, ахлат ташиш машиналари ва транспортнинг шу каби турлари. Умуман олганда, манзара шундай тус олди:

Иситиш электр станциялари - 25,9%.

Саноат - 19,4%.

Йўқ қилинган ўрмонлар - 17,4%.

Чорвачилик - 13,5%.

Автомобиллар - 9,7%.

Хусусий уйлар - 7,9%.

Бошқа транспортлар - 3,4%.

Маиший чиқиндилар - 2,8%.

Ушбу маълумотлар BMW компанияси мутахассисларининг етакчи автомобил наشرлари журналистлари учун “Инновация кунлари” анъанавий тадбири ўтказилганида олинган. Ушбу семинар экология муаммолари ва захарли газлар чиқиндилари электрик транспорт воситалари ривожланишига бағишланган.

6. Ўзбекистонда иқлим ўзгаришига муносабат.

Иқлимдаги глобал ўзгаришларга Европадаги кўрилмаган қорли қаҳратон қишлар, дунёнинг катта шаҳарларидаги сув тошқинлари каби табиатнинг салбий кўринишлари гувоҳлик бермоқда. Бу ҳолатда биз глобал илиқликнинг туб сабабларини аниқлашимиз ва иқлим ўзгаришини юмшатиш учун ҳар биримиз не қилишимиз, муаммони ҳал қилишда қандай улуш қўшишимиз мумкинлигини билишимиз керак. Шу муносабат билан аҳоли ахборот олишини ошириш ўзгарган иқлим шароитига кўникишга ёрдам беради, энерготежовчи технология ва техникалар қўлланмаси Ўзбекистоннинг келажакда барқарор ривожини таъминлайди. Бутун дунё бўйлаб 1200 нафар пешқадам ёшлар иқлим ўзгариши оқибатларига курашда бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилмоқдалар.

Ўзбекистон ёшлари ҳам бу йўналишда фаол ҳаракатда бўлиб, бу зарур ва долзарб ҳаракат жараёнига қўшилганлар. Британия Кенгаши ташаббуси ва кўмаги билан Тошкентда ёш пешқадам табиат ҳимоячиларининг танлови бўлиб ўтди. Ёшлар аҳолига ахборот етказишни ошириш чораларини ишлаб чиқариш, иқлим ўзгариши жараёнини юмшатиш йўллари топишга ёшларни жалб қилиш бўйича тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқишга қаратилган лойиҳа таклифини баён этдилар. Танлов натижасига кўра 10 нафар Чемпион ўз лойиҳа ғояларини Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида амалга ошириш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Бу ёшлар кўзлаган

тадбирларини Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси кўмагида амалга оширадилар.

Хулоса.

Экологик муамолари учрашувлар ва ахборотни алмашуви вақтидла бўлади, масалан, мутахассис ва мутасадди ташкилот вакиллари иштирокида энергосамарадорлик ва иқлим ўзариши жараёнини юмшатиш чоралари бўйича мунозара ташкил этилди. Хусусан, ҳар бир юрт фуқаросининг электр қуввати тежамкорлигидаги ҳиссаси, қайта тикланадиган энергия манбалари, технология ва техникаларни ривожлантириш ва тадбиқ этиш, иқлим ўзгаришини юмшатиш йўллари муҳокама этилди. Мутахассис ва мутасадди ташкилот вакиллари билдирилган таклиф, тавсия ва тилаклар ёш пешқадамлар келгуси фаолиятларида асқотишига умид билдирдилар.

Адабиетлар руйхати.

1. www.econews.uz
2. www.drugasmuga.com